



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI
BOG'OT TUMANI HOKIMINING
QARORI

Bog'ot shaharchasi, O'zbekiston ko'chasi, 18-uy

2021 -yil 12 - aprel

698 и -son

Bog'ot shaharchasi

Хўжалиқ қишлоғи ҳудудида фаолият кўрсатаётган “СОҲИБКОР” фермер хўжалигига кўшимча узоқ муддатли ижарага ер участкаси ажратиб бериш тўғрисида.

Хўжалиқ қишлоғи ҳудудида фаолият кўрсатаётган “СОҲИБКОР” фермер хўжалиги бошлиғи М.Саидниязовнинг фермер хўжалигига кўшимча ижарага ер майдони ажратиб беришни сўраб туман ҳокими номига йўллаган сўровномасини ҳамда бу юзадан фермер хўжаликларига қишлоқ хўжалиги учун ер майдонлари ажратиш масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясининг, туман фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгашининг хулосаларини, Халқ депутатлари туман Кенгашининг тавсиясини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 6, 53-моддаларига, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонуннинг 11-моддасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти” тўғрисидаги қонуннинг 6-моддасига асосланиб

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Хўжалиқ қишлоғи ҳудудида фаолият кўрсатаётган “СОҲИБКОР” фермер хўжалигига Хўжалиқ қишлоғи ҳудудидаги туман ер захира фондидаги қишлоқ хўжалиги харитаси бўйича 1190, 514қ, 542қ - контурлардаги умумий ер майдони 190,2 гектар, шундан 3,0 гектар кўллар остидаги, 0,8 гектар ариқ ва зовурлар остидаги, 180,6 гектар ўрмонзорлар, 0,8 гектар йўллар остидаги, 5,0 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган бошқа ерлардан иборат бўлган ер участкасини балиқчилик ва қўйчиликни ривожлантириш мақсадида кўшимча ижарага ажратиб бериш мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги фермер хўжаликларига қишлоқ хўжалиги учун ер майдонлари ажратиш масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясининг хулосаси маъқуллансин.

2. “СОҲИБКОР” фермер хўжалиги бошлиғи (М.Саидниязов)га Боғот тумани ҳокимининг қарори билан ажратиб берилган Хўжалиқ қишлоғи ҳудудидаги 445, 447, 453, 457, 458, 462 - контурлардаги жами 17,0 гектар, шундан 12,2 гектар экин ери, 0,1 гектар боғ майдони, 0,2 гектар узумзор, 3,5 гектар ариқ

ва зовурлар, 0,6 гектар йўллар остидаги, 0,1 гектар қурилиш остидаги, 0,3 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган бошқа ерлардан иборат бўлган ер участкасига қўшимча Хўжалиқ қишлоғи ҳудудидаги туман ер захира фондидаги қишлоқ хўжалиги харитаси бўйича 1190, 514к, 542к - контурлардаги умумий ер майдони 190,2 гектар, шундан 3,0 гектар қўллар остидаги, 0,8 гектар ариқ ва зовурлар остидаги, 180,6 гектар ўрмонзорлар, 0,8 гектар йўллар остидаги, 5,0 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган бошқа ерлардан иборат бўлган ер участкаси билан умумий ер майдони 207,2 гектар шундан 12,2 гектар экин ери, 0,1 гектар боғ майдони, 0,2 гектар узумзор, 180,6 гектар ўрмонзор, 3,0 гектар қўллар остидаги, 4,3 гектар ариқ ва зовурлар, 1,4 гектар йўллар остидаги, 0,1 гектар қурилиш остидаги, 5,3 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган бошқа ерлардан иборат бўлган ер участкаси қолган (34 йил) муддатга ижарага ажратиб берилсин.

3. “СОҲИБКОР” фермер хўжалигига қўшимча ер майдони ажратиб берилиши муносабати билан Боғот тумани ҳокимининг қарори билан “СОҲИБКОР” фермер хўжалигига ер майдони ажратиб бериш қисми ва ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномаси бекор қилинсин.


4. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Д.Рўзибоев)га ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан туман ҳокими билан “СОҲИБКОР” фермер хўжалиги ўртасида ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасини тайёрлаш, рўйхатга олиш ва ер участкасини жойида (натурада) далолатнома асосида белгилаб бериш вазифаси топширилсин.

5. “СОҲИБКОР” фермер хўжалиги бошлиғи (М.Саидниязов)га ажратиб берилган ер участкаси атрофларини бегона ўтлардан тозалаб бориш, ариқ бўйларига тут кўчатлари ўтказиш ва уларга қаровни белгиланган муддатларда амалга ошириш доимий вазифа қилиб белгилансин.

6. Ушбу қарорнинг тасдиғи Халқ депутатлари туман Кенгаши ҳамда вилоят ҳокимлигидан сўралсин.

7. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Боғот тумани ҳокими



Ш.Яхшибаев.